





Андрей ПЯТНИЦКИЙ:

# «Хали «Пахтакор»га керакман»



Андрей билан ўзи айтгандек ярим «тайм»га гаплашдик. Саволлар кўп эди. Тўғриси, полон билан футболчи халқи камгап бўлади. «Х» ё «Й»... Гоҳо бош силкиди. Лекин мулохазали, тўғриси. Алдамасди.

— Рости, газетанглар Шквиринни Парижга кетлатди деб ёзганми?  
— «Х» дедим.  
— Ким айтди?  
— Сир...  
Сўнг «анима, ёлғонми бу!» дедим хавотирланиб.  
— У ҳам кунди-да, «сир» деб кўйдим. Охири гапимиз айланган Игора келганига айтиди. Унгача бошқа саволларга жавоб қайтардим.

— «Хали «Пахтакор»да вазири ким?»  
— Жуда яхши. Ахрол Иноатов билан тез тил топишиб кетдик.  
— Нима, Новиков даврда ёмонмиди?  
— Кўйинг, нолимайди. Бирининг ортидан гап қилиш яхшимас. Команда бўлиниб қолувди.  
— Эшиттишимча, бу тренер анча қаттиққўл эди!  
— Чин. Лекин кимнинг фойдасига? Албатта бизнинг, колверса, футболнинг-да!  
— Сир бўлмас, қанча маош олаётган?  
— Бу ёни бозор шаронти, кўриб турибсиз-ку, нималар бўлапти? Шукур, етиб турибди. Яхшиси, айтмай қўя қолмай...  
— Шквиринга қайтайлик. Кечги ўйинда ҳам негадир «очилмади». Ҳатто бизни ишқибозлар рақибициким. «Энди унга барибирга ўхшайди. Францияга кетайтган бўлса!» деган гап-сўзларни ҳам эшитдик.  
— Йўқ, Игора кийин бўлапти. Бир ёқда олий лиганинг тоши анча оғир. Ҳимоячилар ҳам анойи дейсизми? Ҳар бир ҳужумчининг оёқ олишини ўзидан кўра яхшироқ билишади. Бир томонда онландаги машғулот вақтидан кейин руҳи анча тушиб кетди. Ҳали ҳам эзиллиб юрди.

— О-о, хали бундан ҳам хабаринглар борми? Лекин тўғри. Германия ва Голландиядан таклифлар бўлди. Вакиллари келишди. Розилик бермадим.

— Нега?  
— «Пахтакор»нинг аҳоли маълум-ку? Уни қандай ташлаб кетаман. Олий лигадаги кучли командалар каторида юрганида бошқа гап эди. Хали кетиш ниятини йўқ. Чет элда ўйнаш қочмас.

— Балки мамлакат чемпионатида келаси йили кескин ўзгариш юз берар. Украина командалари ўз миллий биринчиликлари ўтказишмоқчи. Шундай бўлса, «Пахтакор» учун олий лигада қолиш, қолмаслик масаласи унчалик аҳамиятга эга эмасдай...

— Агар Украина командалари бўлиб, бизнинг футболда жуда катта йўқотиш содир бўлади. Бекорта куйинмаганим. Улардан ўрганмаган нарсалар кўп. Украин футболчи йирки мактаб.  
Қолиш қолмасликка келганда ҳеч иккиланмаслигимиз керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам қолиш учун курашимиз шарт!

Н. ЖАЛИЛ суҳбатлашди.

## Каспаров Амрикога кетганмиш...

Ҳаммаёқда турли хил шундай иш-мушлар тарқалган рости. Ҳатто таърихнинг ҳам кўнчили мухлислар кўнчироқ қилиб сўрашди. Бундай кутилмаган саволларнинг туғилишига со- биқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг «Аргументи и факти» ҳафталигидаги суҳбатиде: «Каспаров Амрикодан уй сотиб олган. Уша ерда муқим яшаб қолмоқчи», деб айтган гаплари сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг август ойида Каспаров Амриконинг Лос-Анжелос шаҳрида яшаган. Бу ерда бир ярим ой муддатга олиган ижара уйда ўзининг машқ бўлимаси билан биргаликда навбатдаги мусобақаларга тайёрланган. Аммо унинг домий яшаб қолиши ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган. Карповнинг юқоридаги гаплари эса жаҳон чемпионининг энг яқин фикрдош дўстлари учун ҳам кутилмаган янгилик қадимилар «Ижика кўнчоринг боши битта қозонда қайнамайди...» деб бекорта айтишмаган экан.

Ишончли манбааларда таъкидланганича, Каспаров Лос-Анжелосга тур- риб, СССРда бўлган август охири бақосининг энг оғир. Амриколик бера олган. Амриколик мухбирларнинг саволларига шундай жавоб қайтарган эди: «ФХДКнинг фаолияти узғи билан ҳафтага бормайди...» Кўнчили маълумки, ўтган йилнинг октябри- да 73 йил мобайнида биринчи марта шахмат қироли Нью-Йоркда ўтказилган жаҳон чемпионатида расмий равишда Русиянинг уч йил рангли байроғи остида доналар сурганди. Бундан кутилган мақсад кўнчилигимиз учун сир бўлмас керак. Қолаверса, яқиндагина у боқулик арман қочқлар- га ёрдам сифатида ўз ҳисобидан 10 миллион сўмга яқин пул акратгани ҳам бундай иш- мушларнинг асосизлигини тасдиқлайди.

## ЙИГИТ БУЛСАМ ЭДИ

Балки кимдир кулар, кимдир ажабланар: «Сенга ким кўйинди, ишқибозлиқини. Тинчгина ўқиниб ўқиб, уй ишларинга қарашиб юрмайсанми?» деб. Йўқ, шукрин, майдонда тўп тейатганим йўқ. Олис Марғилонда ойнан- жаҳон қаршида ўтириб суяқли «Пахтакор»нинг ўйин- ларини томоша қиламан. Гоҳо юрак ютиб, гоҳо суюниб дегандай. Уйимизда ҳаммамиз футбол мухлисими. Лекин...  
Мана мавсум тугаб қолди. Аввал олти йил зорикиб «Пахтакор» қачон олий лигага чиқаркан!» деб яшадим. Энди бўлса «илов» олий лигада тушиб кетмасин-да» дея хаёлотларимиз. Қўнчилидан келган пахтакорчиларни ол- қишди. Улар ҳам ўз ортларида турган миллионлаб мух- лислари орасида мендек ашадий қўнчилиқ сингилари бор- лигини ҳис қилдилар. Афсус, янги бўлсам эди...  
Райҳона ҲОЛИҚОВА,  
Марғилон шахри

## СИЗ БИЛАН ҚАЕРДАДИР УЧРАШГАНМИЗ

МУХЛИСЛАРДАН бири ёзди: «Бундай суратларни эълон қилганларинг савоб-у...» Лекин мени қийнаётгани, баъ- зилари юракларни заъитур. Уйимда кўп. Юборам, фут- болчилар орасида қазо қил- ганлари бор. Жингарғушалари эзилмасикан?...»  
Аксинча, худди ана шу ойнасуз остида берилган су- ратлар ҳамда икки эзилкичи- на саволларга келатган мак- тубларинг сон беҳисоб. Бу- гун ҳам уларнинг қай бири- ни келтиришни билмай ўти- римиз. Ўтган галги саҳна- мида берилган суратга энг тўғри жавоб йўллаган- ларни таништираем: Н. Ту- синф (Ўқувчи), М. Махму- дов (Анджон ноҳиси), У. Шеров (Самарқанд шаҳри), М. Норматов (Иқдолик шаҳри), Н. Якубов (Ўзбекистон), О. Ра- жабова (Қоғон), Ш. Тўраку- лов, Қ. Нисов (Ўзбекистон), Б. Омонов (Қашқар), А. Қорабо- ев (Охангарон), У. Хидратов (Бухоро шаҳри), А. Содик- хўжаев (Тошкент), Я. Ҳам- мидов (Чуст), Г. Қобилова (Жиззах), Х. Ражабова (Тур- күл), Х. Ингитов (Сарноски), Т. Раулов (Қорақўл), М. Жу- мабоев (Пайриқ), Х. Юсу- пов (Пахтабод), Х. Иноатов (Навбахор)...



Улар бу суратнинг ҳақи- қатан ҳам «Помир»-«Пах- такор»-уратишларини оли- ганларини, Бондаренко, Биллолов, Пятницкий, Синелобов ҳам- да Мухаммадиев, Раҳимов- лар тўп учун курашаётган- ликлари тўғри топишган.  
Шунингдек, Жарқўрган но- ҳиясидаги Бобур номлидаги мактаб ўқувчилари, унчалик

Б. Тошматов, пахтачиллик Са- ид ва Бекмурза Норқулов, тошкентлик К. Ҳакимжонов- лар ҳам таърихиятигимизга ўз ёнотларида асаран юрган энг ноб суратларини йўл- лашгани учун уларга ҳам са- мимий миннатдорчилик бил- дирдим.  
Бу гал хукмингизга яна бир аjoyиб тарихий суратни ҳавола қилаймиз.

### УНДА ТАСВИРГА ТУШ- ГАН ҲАҚИҚАТЛАРНИ КИМ- ЛАР?

ҚАЧОН ВА ҚАЙСИ КО- МАНДАЛАРНИНГ УЧРА- ШУВИ АКС ЭТГАН?

УНИ сал нам ўн йиллар олқишладик. Марказий нап- шарда рекордлари тўғрисида тез-тез ёзилб турганида мақ- тандик. «Ҳамюртими» деб. Энг ёмони, спортчининг шу- рати ўткинчи. Кўп ўтмади. Эркин катта майдондан кет- ди. Лекин...

Яқинда унинг отаси Мақ- суд ака таърихиятигимизга су- юниб бир сурат кўтариб кел- ди. «Ўғлим юборибди. Бир пайтлар у ҳақда кўп ёза- динглари. Ҳозир Австралида яшапти». Қўлида Нанберра- да чиқадиган «Спорт» рўзно- масининг 4 август сониде эълон қилинган Эркин Ша- гаевнинг сурати.

Унинг Тошкентдан кетиб қолганини тўғриси биз ҳам эндигина билдик. Отаси ай- тиб берди. Ишқибоз нима қи- ламиз, сойиқ Олимпиада че- мпиони ўз Ватанида суяқли машғулотини етарлиқ тар- фи қилмоқчи. Охири сув спор- ти бўйича Австралида терма командаси аъзоси, қа- дардон дўсти Питер Монто- мер билан маслаҳатлашди. Унинг бегарас ёрдами су- байли Австралиа спорт олий билимгоҳи ҳузуридаги ўс- мирлар миллий командаси

тренинингни мустақачини бўлиб ишлаш учун шартнома имзолади.  
Эркин учун Австралиа сув спорти бегона эмас. Бу- ндан олти йил аввал қизибди кузатган ҳам. Бу орада анча- чадна кескин ўзгаришлар бўл-

## Olympic inspiration for junior play

By SHAMUS COOKE  
A man who spent a decade at the highest levels of international water polo has the task of inspiring young Australian players to play for their country. It is a daunting task, but one that is being undertaken by the Australian Olympic Committee (AOC) and the Australian Water Polo Federation (AWPF). The AOC is looking for a man who can inspire young players to play for their country. The AWPF is looking for a man who can inspire young players to play for their country. The AOC is looking for a man who can inspire young players to play for their country. The AWPF is looking for a man who can inspire young players to play for their country.



Some water polo coach Erich Shagave with members of the Australian junior team at the AOC.

gaining speed. Чунки уларда 14—16 ёшдан бошлаб ўсимир- лар сувда сузиш бўйича шу- гулланишди. Бизнинг мам- лакатда эса 10—11 ёшдан. У бегизига шу ерни танлама- ди. Чунки уларда кучли спортчилар кўп. Албатта Аме-

риканда бўладиган Яҳон ўс- мирлар орасида чемпионлар чиқишига ишоняпти ҳам.  
Аели Марина, фарзандла- ри Жаҳонгир ҳамда Мадди- налар ҳам хорининг ҳаво- сига кўнчиб қолишибди.

Тил билмаслик, ўзга бир халқнинг ўрф-адоларига кўн- чилиш албатта осон кема- ётгани аён. Аммо Эркин ин- глиз тилини мукамал бил- ди. Фақат Австралиа шева- сида гапиршига қийналяпти. холос. Муҳими, барча ўсмир- лар билан жуда тез тил то- пишиб кетди.  
Ҳалигача кўплар ажабла- нишади. «Эркин Шагаев не- га терма команданинги таш- лаб кетди?» деб. Унинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч қачон сир очмаган. Бир вақтлар жа- ҳонда энг кучли деб тан- олинган совет терма коман- дасининг шухратини ҳали- ҳали соғинади. У 25 ёшида ҳамма нарсаларга эришди. Лекин шону-шавқатининг ўтқи- чи эканлигини кеч тушунди. Чунки кеинги Олимпиа- да ўйнашдан кўч синашиб ўзи учун янада оғир ке- чишни аниглаб етганиди.  
Эркин барибир сув спор- тисиз яшай олмаганини тан- олди. Шул боис ҳам дунё- ниинг нарги буржида ий- лашган австралиадек олис бир юрда яшавган дўсти Питернинг таклифини рад этмади...  
Н. ҚОБИЛ.



## Новиков «Пахтакор» ҳақида

ВА НАФАҚАТ КОМАНДА Тўғрисида  
... Футболга кимлар керак! Фиркович уйин- чилар керак. «Пахтакор» ўтган мавсумда яхши ўйнагани ҳам аслида командада шундай футбол- чилар тўплаганидан. Оганесян келгач, унинг ёнида Қосимов, Пятницкий, Шквирин ҳам бош- қача ҳаракат қила бошладилар. Ярим ҳимос ва ҳужумда мутаносиблик юзага келди. Бу олий лига учун айна мудабо бўлди. Аммо ҳимоса бар- барибир муаммолар мавжуд эди. Мавсумлар ўртасида командани тўлдирини мейвасига ет- қизишга қўйишмади.  
— Оқибатда команда мағлублар сафига тушиб қолди ва сиз истефого чиқдингиз?  
— Йўқ, «Пахтакор» ўйинига муносоиб ўринда эмас. Истефого чиқишни эса шахсий сабаблар- га эгаки, у ҳақда гапирини лозим деб ҳисобла- майман. (Таникли тренер кўп нарсалар: Тош- кентдаги квартирасини ўри урган, ўзига қилин- ган дўқ-пўйислар, командани тўлдирини масале- сизга рақибларнинг кўп орашлуви ҳақида гапирини ўзига эч кўрмади. Нима ҳам дердик, бу унинг иши. Биз Тошкентда, қолаверса, бошқа жойларда ҳам кўнчилиқ биланги тақрилотлар тўғрисида тўхталиб ўтирмаймиз. — Тақририят.)  
— «Пахтакор»дан кетгач, анча вақт икисиз юрдингизми?  
— Балки эриш туялар, аммо футболсиз яшол- майман. Қарелида, Рошинчода бир ойча дам олдим. Москвага қайганимдан сўнг РСФСР Футбол бошқармасидан кўнчирди қилинди. «Фе- кл» билан бир сафарга бориб келишни таклиф қилишди.  
— Манжуран икисиз бўлган пайтнингиз нима ҳисобига яшадингиз? «Пахтакор» сизга тавон тўладими?  
— Мен ўз хоҳишимга қўра кетаётганимди. Шу- нинг учун тавон ҳақда гап ҳам бўлиш мумкин эмасди. Бир ой ишламадим. Саволлари қийин- чилик севганим йўқ. Ахир мен нафақа оламан- ку? Қолаверса, шунча йилдан бери оами-қўлми пул тўланаиб қолганди...  
Борис ХОДОРОВСКИЙ.  
[«Футбольный курьер» рўзномасидан]

## Мухлислар сўрови

### МАРАДОНА ҚИММАТМИ, Ё?..

- 3. Марadona, 1984, «Барселона» — «Неаполь» — 21,0 миллион марка.
  - 4. Марadona, 1982, «Бока» — «Барселона» — 19,2 миллион марка.
  - 5. Детори, 1988, «Эйтарх» — «Олимпикаос» — 15,5 миллион марка.
- «Негадир «Помир»нинг сўнгги ўйин- ларида Равайн Бозоров кўрнинмапти. Баъзилар уни «Пахтакор»га кетибди, дейишяпти. Шу ростми?  
Э. ЕРИЕВ,  
Китоб»  
Бу миш-мишларда жон бор. Лекин Равайн Тошкентга эмас, Фарғонага келди. У ҳозирги кунда «Нефтяник» жамоаси сабиде ўйналяпти.  
Шунингдек, бир пайтлар кўнчилиқ- мида умид уйотган аjoyиб футболчи Геннадий Роткович ҳам шу командада тўп сураяпти.

### БАЛЛИ, ЖАМОЛИДДИН!

Уни ҳамюртларимиз кўп сўроқлашди. «Нега кетиб қолди «Тошкент- га қайтарингиз?» Биз ўрганимаганимиз учуним, элдошларимиз хоринга кетса гоҳо икисиз билмай қойишимиз, ранжийимиз ҳам. Йўқ, сира ҳавотир- ланмасек ҳам бўлади. Чунки Жамолиддин Аб- дужабборов олис Ита-

лиядаги Каррера жамоаси шарофини муносоиб ҳимоса қилаётти.  
Кечагина яна бир кўн- чилиқ қилган ишларининг қисбатини жуаҳурятимизга ҳисобини иштирокчи одило- на ҳал этиб у ўз ишига қайта- рилиши керак.  
«Балли 13 июль»  
Узбек спортини дунёга та- нишган, яқин кунда унутилган полонлар, спортчиларимиз тўғрисида кўп марта кўнчиб ёзганимиз. Афсуски, уларнинг сонин камайиш ўрнига ортиб

### ҚАДР

ЕКИ АШУР НОРМУРОДОВ ҚИСМАТИ  
боряпти. Мана биттаси Ашур Нормуродов. Узбекистонда хизмат курсатган тренер, икки марта Марсафон босқичини бо- сиш ўтган агонда узбек спорт- чиси. Унинг 10 км юғуриш бў- йича ўрнатган Узбекистон ре- кордини, 28 м 48,4 сек. 1975 йил халигача ҳеч ким янгилай олгани йўқ. 6 марта СССР чемпиони. Бир неча халқаро мусобақалар қолди. Аяни кунда икисиз...  
Ашур ака билан учрашдик. — Узбек энгил атлетикачи- лари нега кам деган савол ҳам- мамизни уйлантиради, — дей- ди у киши. — Табнатимиз бўл- гангани каби спортчимиз ҳам ким қайси йўлга тортиб кетса, уша ёққа қараб кетаверди. Ҳамма — ҳаммасини «қардош- ларимизга» ишонди. Гўёки, ўзимизни ишонган, ҳеч нарсани элдоламаймиз. Улар эса қўл

уқида пул топишинг мазасини олишди. Хоҳлайимизми, йўқми марказдан, малаятнинг турли ўлкаларидан спортчиларини ча- қиравердик. Улар эса машина, шаҳар марказидан уй ва бош- қа-бошқа имтиёзларни талаб қилишарди. Бақарилмасе...  
1978 йили энгил атлетика жуаҳуряти олий маҳорат мак- табини очдик. Узининг қадри- тимизга етмайми. Миллий кадрлар куриб қолгандек, рақабатликка А. К. Шербинини (Гуржистон) тайинлашди. Ҳазирда Шербини ҳам барча имтиёзлардан фойдаланди.

Чундан спортчилар таклиф қилвердик. Нафс курсин, ди- ректор давлатнинг мол-мулки- га кўз олайтирилганлиги учун 1984 йил жанийи назоға тор- тилди...  
Энди директорлик вазифаси- ни Қозғистондан келган А. Пейсманга ишониб топшири- ди. У ҳам олдинсига қара- ганда муттаҳкам, айёрликда пиҳини ерган эди. Унинг му- шугини ҳеч ким пиш демади. Вилоятга — вилот «сафар» ларда юриб қўнчати қайлайб қолгач «ё» йўқ, «ё» йўқ Амрикога кўчиб кетди.  
Ашур ака асли шахрисаб- лик. Спортга бирволларини кў- тар-қутариндан келиб қолган эмас. Фидойилигини, меҳнатна- шлиги ортдан эришган. 1975 йилдан бери тренерини ишда. Мақалли узбек Болалардан спортчилар тайёрлаш билан

Мирза АБДУЛЛА

НОМЗОДЛАР

АШЪОР МАВЖЛАРИДА



ХАЛҚНИНГ

ОВОЗИ

(ЭШҚОБИЛ ШУКУР ШЕЪРИЯТИГА БИР НАЗАР)

ган ибораларидан фойдаланиб бир оҳанг яратгани, бу оҳанг инсон юрагининг энг мукӯр жойдан... тўлғониб-тўлғониб чиқади.

Шоир ўзининг Ватанига қолган баҳор ва оҳанг гул билан фахрланиб қолмасдан ўша Ватан кенгликларда қирчилган қиш ва изилган чўл билан ҳам фахрланади.

«Чўлда юрган ой» туркумида ўша муҳаббатни изҳор этган дил билан, ўша кўнглини ифода этган тил билан ҳар кендай шоир ҳавас қилса арзишар...

Дастлаб, шоир шоир сифатида дунёга келган чоғидан, ҳаламини эндигина атак-чекак қилиб қадам ташлаётган гудак сингари юргизётган дамлардан бошлаб киндик қони томанг ерни, хис-туйғуларини йўртаклаган элини кўради.

«Бўлиғлар!» — Чорлайдилар бир-бирларини. Боймоқиди туғар келилар. Эбенистон шоирларини.

Кейинчалик у кўз билан кўрган воқеа-ҳодисаларни сўз билан ифода қила бошлайди. Қаранг-а, худди мана шу ерда табият қонуниларини билан бодият қонуниларини мос келиши кишини ҳайратга солади.

«Жон деса жон берган, элдошларим, айланайин берган жонларингиздан. Менга Ватан берган, элдошларим, айланайин берган Ватанларингиздан. Элдошларим...»

Халқимиз энг севган, ўзи учун баёхо билган ва ардоқлаган кишининг эркатлиб «айланайин» дейди. Эшқобил халқнинг мана шу ҳароратли сўздан, кимидир эркатланган ва ардоқлаган пайтида айт-

тиладан, халқ оҳангида ифода қилади. Жумладан, у «Эркинлик» Темури Мулкӣ шеърларида Темури Мулкӣ тилидан шундай дейди:

Элимнинг кўз ёшига Ер тўлди, осмон тўлди. Ҳар шаҳиднинг бошига Бир парча юрак илдим.

Яқ-ку! Яқ-ку! Яқ-ку! Лекин шоир элининг эркинликда яшаётганлигидан умидсизликка тушмайди. Чунки, элининг Темури Мулкӣ сингари қаҳрамонлари бор.

Чунки, бу эл доимо ўз эркинлик раҳна солганлари доғда қолдириб келган. Чунки, бу элининг қаҳрамонлиқларини куйлаб ўтган Қодир бахшидек бахшилари бор.

«Қодир бахши» шеърларида, у Қодир бахшига мурожаат қилиб, унинг тилидан халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида умидбахш ҳукм чиқаради:

— Бахшим, сен айт, Чанқовузин ким чалди! — Эмчағида эрк чайқалган эна эл чалди.

Эшқобил маросим шеърлари аки халқимиз ҳаётига оид бошқа шеърларни ёзиш жараёнида мазкур шеърларда ифодаланган воқеа-ҳодисаларнинг табиатига мос ранг ва бўюмларни тўри танлай биллиши, уларнинг моҳиятини чуқур англай олиши, ули еки ундosh товушлар ўйғунлигига эришиш эвазига ўзи кўзлаган

поти қўйилгандан сўнг ўйинга қўшилганларнинг ҳаммаси бир сўз ҳам айтмай, жим қолдилар. Потини қўйилган замонда хатто шоирлар ҳам жим туришга мажбур.

«Тилимни тишлаб туриб, Чаппа қўйдим отимни. Жим. Жим. Жим...» мисралари билан тугаган бўлсада, шоир киноя билан, «тажохилу орифон» санъати орқали Потини ўйинига қўшилган ҳолатда жим туриб, шеърликни бузади.

Аммо, шеърятда бедийлик талаби нимани айтишда эмас, балки қандай айтишдадир. Мана шу ўринда Эшқобил маҳоратининг яна бир жиҳати намойиш бўлади.

Қўринадими, энди шоир ашъор мавжларида халқнинг овозини тўтишга, унутилиб кетган халқ оҳанглариини тиклашга ва ушбу оҳангларга янги мазмун бахш этишга қаратилган шеърятнинг атакли жиҳатини шу хилдаги шеърлар ташкил этади.

Бу каби шеърларда у ўзининг овозини халқ овозига ростлашга интилади. Халқнинг бошига тушган кулфатларни халқ шодлик аки мотам, шиддатли еки майин оҳанглари вужудга келтиришга муваффақ бўлади.

Эшқобил Шукӯр шеърлари оид таҳлилимизни ўқиш жараёнида сизда «Нима учун у халқ оҳанглари, халқ жонли тилига ва миллатимиз ҳаётига доир воқеа-ҳодисаларга бунчалик кўп мурожаат этади! Ва нима учун сиз шоир ижодининг айнан мана шу жиҳатига эътибор бердингиз?» каби саволлар тугилиши табиий.

Бизнингча, бу шоир ижодий фаолиятининг табиатига, йўналишига ва мақсадига боғлиқ. «Эл нетиб толгай мениким, мен ўзимни топмасам», — деган эди Алишер Навоий. Зеро, Эшқобил Шукӯр ҳам миллий мустақилликка эришиши, миллатни англаш ўзлигини англашдан — миллий қадриятларимизни тиклашдан, миллий маданият ва маърифатни эгаллашдан бошланади, деган гапга ишонади ва амал қилади.

Рустам МУСУРМОН, Тошкент Давлат дорилфунуни ўзбек филологияси куллиети аспиранти.

Ёшлар ижоди

ФАРҒОНА

Қаноат ВОЙХОН қизи (Қаноат ТИЛЛАХУЖАЕВА) 1981 йил Фарғона вилоятининг Фўризе ноҳиясида таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиетини тамомлаган. Айни пайтда «Қишлоқ ҳақиқати» рўномасида ишлапти. Шеърлари жумҳурият матбуотида chop этилган.



Фарғона. Қизини ўқишга кузатиб, ҳамон кутаётган жон она. Қўлига кенг осмон бўлиб қўридинг, Баъанда шунчаки ёлгон қўридинг, Охир бой берилган имон қўридинг, Фарғона. Қизини ўқишга кузатиб, ҳамон кутаётган зор она. Сента бир зумлик махсумман энди, Ғийбатпешаларга достонман энди, Қўлнинг қўйсасага ҳаққонман энди, Фарғона.

Рух абадийдур. У танадан танага кўчиб юради. (Баҳавалд Гўта).

НЕГА СИЗНИ...


Нега сизни бошқалардан ажрим қилиб олдим мен, Ҳар хил кўздан асрасин, деб илақ тўрга солдим мен, Билардимку ўза ишнинг ҳақиқатини нолишингиз Билди туриб нолишингиз ором билиб қолдим мен. Ипақ туриб асраганим гудими-райҳонимди? Ўза панжа зарбларидан танаси пайҳонимди? Шеър ўроғлик қўзғаларда асраганим у бахтни Ўғайлигим билмас, дея дўстларим ҳайронимди? Ўғай бахтим оий завқини куйиб-куйиб туйдим-ей, У гуллининг тиконин ҳам юмшоқ, дея суйдим-ей, Менинг учун фидо бўлиб очилмас бу гуллар, Тонир боғлаб кетмасин, деб охир куйиб олдим-а. Нега Сизни бошқалардан ажрим қилиб олдим мен...

Ватан, бошинга ёрилган ўқни чалғитиб, бу зангор дунёдан адашиб кетган Шердай ўғулларинг қайларда қолди? Қачон қайлар руҳи уларнинг?! Биз — уларнинг соғлом танлари ғимирлаб, рўҳини кутамиз тоқай. Қаноат ВОЙХОН қизи.



ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Бошқотирма-мақол



1—3. Рақам, 3—5. Айлананинг ўз диаметри атрофида айланнишдан ҳосил бўлган геометрик жисм. 4—6. Ҳашарот. 4—7. Сув ишооти. 1—7. Шоир Муқимий савҳатномасида тилга олинган жойлардан бирининг номи. 7—10. Қўя боласи. 11—13. Атмосфера ёғини. 11—15. Овқат ҳазм қилиш органи. 12—13. Уялиш туйғуси. 14—15. Қўшлар қароргоҳи. 15—17. Вирор нарса таринибга сингилган сув. 15—19. Ғули болалар исми. 18—19. Намининг ичинчи маъноси. 20—22. Куннинг кунботар пайти. 21—22. Немис физиги 23—25. Вирор нарсага тикиб еки ўйиб туширилган безан, нақш. 15—25. Гули кечкурун очилиб, эрталаб ёпилади. 28—31. Вологда вилоятидаги дарб. 28—32. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 32—34. Дунёда энг натта суг эмизувчи жонот. 33—34. Вафодор ўй ҳайоти. 32—35. Экватор пойтахти. 32—1. Билим мабани.

«ЕШ ЛЕНИНЧИ»ГА ЕЗИЛДИМ, УРГУЛАЙ!

— Хопажоки! Ўзингизни таъинишсангиз. — Мен Рузвон хола Тошмуҳаммад Аллева, эллик йилдан берки катта бозорда паррошман. — У қайси газета экан! — «Еш ленинчи» дейишгандай бўлувди ўшанда. Аммо, лекин, навараларим манга унинг қулониин ҳам ушлатишмади. Мен ёзилган газет улариға ақаримш. — Бу йил ҳам обуна бўлдингизми! — Э, кўз қатта ўқишга, холанг ўргулсин! Аммо-лекин, бутлур бозорқўлимиз газетга ёзилмасангиз пенсиянгизни

тўхаттириб қўяман дувади, бор-е, деб ёзилдим. Кўпчилик нимага ёзилса, шунга ёз, дедим. Ҳеч бўлмаса лозимандага борганда қатлама-патлама ўраб борарман дедим. — У қайси газета экан! — «Еш ленинчи» дейишгандай бўлувди ўшанда. Аммо, лекин, навараларим манга унинг қулониин ҳам ушлатишмади. Мен ёзилган газет улариға ақаримш. — Бу йил ҳам обуна бўлдингизми! — Э, кўз қатта ўқишга, холанг ўргулсин! Аммо-лекин, бутлур бозорқўлимиз газетга ёзилмасангиз пенсиянгизни



Аммо лекин, қатлама ўраб юрдим. — Нимага унда! — Навараларим ўқиб берса эшити-иб ўтириш учун ёзилдим. Қатлама қилгани ун қатта вайсон ҳозир... Сўхбатдош Рустам БОЙ МУҲАММАД. «ПОДПИС БУЛОЛМА-ЯПМАН» Мен ким, тўбанда имзо чекувчи сизларга шуни маълум қилганини, газетиларга ҳиқ подпис бўлолмайман. Тўнов кўни пўчтага чиқсам, начайлик келмай диққат қил-

ди. Қош қорайганча эшигини тағида ўтирдим. Ешишим 90-дан ошган. Бурноғи йили газетиларга подпис бўлман деб газетига болага пенсамдан оз-моза ақча берсам 3 ойгагина ёзилти. Умриларингдан барака топқурлар, мөндек бева-бечорага раҳм қилиб газетиларга обуна қип қўйиллар. Сизларга умид билан кўз тикиб 65 йиллик содиқ қувчинглар Умригулхон бўви. Ҳатини пўшта кўтисига элган Муроджон ТўХТАНАЗАРОВ.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таъсис қилган: И. АБУСАМАТОВА, А. АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ОРЗИМатов, З. ОРТИҚҲАЕВ, К. РАХИМОВ, З. РИХОНОВ (масъула қилувчи), С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШМАТОВ.

Таъсис қилган: Ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛ Ь Ц К С М ЎЗБЕКИСТАНА) Рўнома: 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: Ёшлар сийсати — 32-57-93; ижоддор ёшлар — 32-55-98; иқтисодийёт ва экология — 32-58-47; Ғаф на халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданият мерос — 32-58-47; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; хатлар ва ошмавий ишлар — 32-56-57; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; қабулхона — 32-56-58.

Мақсизпоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уя. Индон: 64607, 320.000 нусхада chop этилади.

Рўномамиз ҳафтаининг сешанба, чоршанба, жума, шабба кунлари чиқади. Яна рўномада қуришгунча!